

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ****72 Ўтказма ва оддий векселлар тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 147-1

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 3 октябрдаги ПФ–4473-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 40-сон, 466-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 16 июлдаги ПФ–4453-сон Фармони)» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 44-сон, 507-модда) қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1995 йил 30 майда тасдиқланган Ўтказма ва оддий векселлар тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 147, 1995 йил 31 май) ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2013 йил 24 январь,
2/5-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

Hujjat 2013 yil 11 fevral holatiga

6 (558)-сон

— 17 —

72, 74-моддалар

Келишилган:

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2013 йил 23 январь